

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

ФАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲОДИСА

Тайёрлади: ўқ.Хакимов Р.

1. **Фан тушунчасининг кенг ва тор маънолари.**
2. **Фан тарихига оид ёндошувлар:**
3. **Фаннинг функциялари:**
4. **Мафкуранинг фанга муносабати ва унинг моделлари:**
5. **Фан ютуқларига оид ёндошувлар таснифи.**

Фалсафа ва фан ўртасидаги фарқ:

- 1) фалсафа доим у ёки бу файласуф номи билан боғланади, унинг ғояларига қўшилиши ёки қўшилмаслик масалаларига боғлиқ бўлиши мумкин. Фан эса, ўз моҳиятга кўра жамоа меҳнати маҳсулидир;
- 2) фалсафада (муайян фандан фарқли ўлароқ) ягона тил ва ягона тизим мавжуд эмас. Бу ерда фикрлар ранг-баранглиги меъёр саналади. Фанда эса монизм ҳукм суради, чунки ҳеч бўлмаса фаннинг у ёки бу муайян соҳасидаги асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизимига нисбатан ёндашувлар бирлиги мавжуд бўлади;
- 3) фалсафа илмий билимлар ва далиллардан кенг фойдаланади, бироқ унинг узил-кесил хулосалари ишончли деб ҳисобланиши мумкин эмас, Асосан файласуфларнинг субъектив фикрлари ва мулоҳазаларига асосланади. Фан эса моҳият эътибори билан исботланган ва синалган билимлар олишга ҳаракат қилади;
- 4) фалсафий билимларни тажрибада синаш мумкин эмас;
- 5) фалсафа аниқ прогноз бера олмайди, яъни у ишончли билимларни келажакка татбиқ этишга қодир эмас, зеро унда бундай билимлар йўқ. Айрим файласуф фалсафий қарашларнинг муайян тизими ёрдамида фақат башорат қилиши мумкин, лекин у олим каби прогноз қилиш ёки моделлаштиришга қодир эмас.

Фалсафа ва фаннинг умумий жиҳатлари:

- 1) Ҳар иккаласи ҳам ақлга таянади ва оқилона билимни яратишга ҳаракат қилади;
- 2) ўрганилаётган объектлар ва ҳодисаларнинг қонунлари ва қонуниятларини аниқлашга қараб мўлжал олади;
- 3) категориялар аппаратини яратади, ўзлари илгари сурган қоидаларни асослайди, уларга далил-исбот келтиради ва яхлит тизимларни

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ:

Биринчи қараш: Инсон фаолияти сифатида бундан **икки** млн йил олдин тош даврида инсон амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлган билимларни қўлга киритган ва бир-
бирига етказган пайтда фан шаклланган;

Иккинчи қараш: мифологик дунёқарашдан фарқ қилиб, фан билимнинг исботловчи тури сифатида Эр ав. V асрда Юнонистонда юзага келган;

Учинчи қараш: тажрибавий билимлар асосида сўнги ўрта аср маданияти гуллаб яшнаган даврда фан пайдо бўлган;

Тўртинчи қараш: фан XVI-XVIII асрларда юзага келди. Бунга Кеплер, Гюйгенс, Галилей, Ньютон асарларининг пайдо бўлиши тўртки бўлди. Фаннинг асосий белгилари объектнинг математик моделларини яратиш, экспериментал босқичнинг эмперик натижалари. Физик ва математик типларнинг фикрий умумлашмаси ҳисобланади. Фаннинг социал муҳитини яратиш билан боғлиқ бўлган Лондон Қирол жамияти, Париж фан академияларининг ташкил топиши худди шу даврга тегишлидир;

Бешинчи қараш: фаннинг юзага келиши XIX асрнинг биринчи чораги билан боғланади. Бу даврда илмий тадқиқот билан олий таълимни мувофиқлаштириш юзага келди. Бу давр фанини яратувчилар Гумбольдт ва Либих каби немис табиатшунослари ҳисобланади.

Фан тарихини ўрганиш жараёнидаги биринчи тарихий-илмий тадқиқотларни қуйидагича характерлаш мумкин:

- - дастлаб, у ёки бу фандаги ютуқларни хронологик системалаштириш вазифаси ҳал қилинган;
 - – илмий ғоя ва муаммоларни, прогрессив тараққиёт механизмларини изоҳлашга ҳаракат қилинган;
 - – олимларнинг илмий фаолияти ҳамда ижодининг аҳамияти аниқланган.
-

ФАННИНГ ИЖТИМОЙ И ИНСТИТУТ СИФАТИДА ФУНКЦИЯЛАР:

- ~~фаннинг мослаштирувчи функцияси: ҳаётий фаолиятнинг табиий ва ижтимоий шароитларига мослашиш қобилиятини шакллантиради;~~
 - **фаннинг фаоллаштирувчи функцияси:** жамиятда табиатга нисбатан амалий ўзгартирувчи фаолиятга мойилликларни шакллантиради;
 - **фаннинг вариатив функцияси:** ўзини қуршаган муҳитга нисбатан жамиятнинг мақбул хулқ-атворини шакллантиради;
 - **фаннинг мониторинг функцияси:** табиатни кузатиш ва назорат қилиш глобал тизимини, масалан, экологик лабораториялар, метеорологик станциялар ва йўлдошлар, астрофизик обсерваториялар, ҳар хил қўриқхоналар ва ҳоказоларни барпо этишни назарда тутади;
 - **фаннинг информатив функцияси:** одамларга атроф олам ҳақида янги илмий билимлар, аниқ илмий ахборот беради.
-

Илмий ижод методологияси, ва унинг предмети -

- *бу тадқиқотчининг ақли ва ижодий фаолияти билан муттасил назорат қилинувчи ва йўналтирилувчи билишнинг умумфалсафий, умумилмий ва махсус ишлаб чиқилган методлари негизида янги илмий билим олиш усуллари ҳамда бу илмий билимнинг тузилиши принциплари ҳақидаги ҳозирги замон фалсафий таълимотидир.*
-

Илмий билишда фалсафанинг аҳамияти

- ❑ 1. Дунёнинг энг умумий манзарасини беради.
 - ❑ 2. Билишнинг умумий қонуниятлари, ҳақиқат ва унга эришиш йўллари билан қуроллантиради.
 - ❑ 3. Фанга умумий йўналтирувчи, универсал нормаларни беради.
 - ❑ 4. Дунёқарашлик ва қадриятли аҳамиятга эга йўналишларни беради.
 - ❑ 5. Фан назарияларини яратишга таъсир қилади.
 - ❑ 6. Прагностик функцияни бажаради.
 - ❑ 7. Қатор ҳолатларда ҳақиқат мезони сифатида амалиётга қўшимча вазифасини ўтайди.
-

БЫВОРИНИТЪВ УЧУН РАХМАТ



САВОЛЛАР БУЛМАС КИДА ХАН РИМ